

Акбар ИДИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
таъин докторанти
akbaridiev39@gmail.com

АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ МАНБАЛАРДАГИ ЭТНИК МАЪЛУМОТЛАР ХУСУСИДА

ОБ ЭТНИЧЕСКИХ ДАННЫХ В НЕКОТОРЫХ ИСТОЧНИКАХ ПО ИСТОРИИ АШТАРХАНИДСКОГО ПЕРИОДА

ETHNIC INFORMATION IN SOME SOURCES ON THE HISTORY OF THE ASHTARKHANID PERIOD

Аннотация: Тарихий манбашуносликда Аштархонийлар (1601-1756) даври тарихини ёритувчи адабиётлар муҳим аҳамият касб этиб, улар Ўзбекистон тарихининг XVIII аср ўрталарига қадар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни ёритишда хизмат қилади. Бугунги кунда ушбу даврга оид турли кўринишдаги ёзма манбалар нашр этилган бўлса ҳам, уларда аҳолининг этник таркиби масаласи нисбатан кам ёритилганлиги билан характерланади.

Калит сўзлар: Аштархонийлар, Бухоро хонлиги, “Тарихи олмарои Аббосий”, “Бахр ул-асрор”, “Убайдуллонома”, “Тарихи Муқимхоний”, “Тарихи Қипчоқхоний”, Мовароуннаҳр, Маҳмуд ибн Вали, Муҳаммад Юсуф Мунший, Муҳаммад Амин Бухорий, Хўжамқулибек Балхий.

Аннотация: В исторических источниках литература по истории Аштарханидов (1601-1756) играет важную роль в освещении политических, экономических, социальных и культурных процессов в истории Узбекистана до середины XVIII века. Хотя сегодня опубликованы различные письменные источники, посвященные этому периоду, они характеризуются относительно слабым освещением вопроса об этническом составе населения.

Ключевые слова: Аштарханиды, Бухарское ханство, «История Аббасидов», «Бахр ул-асрор», «Убайдуллонома», «История Муқимхания», «История Кипчака», Мовароуннахр, Махмуд ибн

Вали, Муҳаммад Юсуф Мунши, Муҳаммад Амин Бухари Ходжамқулибек Балхий.

Annotation: In historical sources, literature on the history of the Ashtarkhanids (1601-1756) plays an important role in highlighting the political, economic, social and cultural processes in the history of Uzbekistan until the middle of the 18th century. Although various written sources on this period have been published today, they are characterized by relatively poor coverage of the issue of the ethnic composition of the population.

Keywords: Ashtarkhanids, Bukhara Khanate, “History of the Abbasids”, “Bahr ul-asror”, “Ubaidullanoma”, “History of Mukimkhaniya”, “History of Kipchak”, Movarounnahr, Mahmud ibn Wali, Muhammad Yusuf Munshi, Khodjamkulikhan Balkhi.

КИРИШ

Бизга маълумки Мовароуннаҳр аҳолисининг Аштархонийлар давридаги этник тарихини ўрганиш ва мазкур даврда ҳудуд аҳолисининг асосини ташкил этган қабилавий бирликларни ўрганиш бўйича ҳали яхлит йирик илмий ишлар олиб борилмаган, лекин шу билан бирга, ушбу масала алоҳида илмий иш ва мақолаларда қисман бўлсада ёритилган.

Юқоридаги муаммони ўрганишда албатта бирламчи манбалар муҳим аҳамият қабс этади. XVII асрга оид ёзма манбаларни мазмуни бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) тарихий-географик асарлар: Маҳмуд ибн Валининг “Бахр ул-асрор фи манокӣб ал-аҳёр” (“Буюкларнинг жасорати ҳақидаги сирлар денгизи”), Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламари Аббосий” (“Дунёни обод этувчи Аббос ҳикояси”), Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқим-хоний”, Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” (“Убайдуллохон ҳақида китоб”), Абдурахмон Давлат Толеънинг “Тарихи Абулфайзхон”, Хўжамқулибек Балхийнинг “Тарихи Қипчоқхоний”, Шарафиддин Аълам ибн Нуруддин Охунднинг “Тарихи Саид Роқим” (“Роқим солномаси”), Абул Аббос Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ат-Толибин” (“Ҳақиқат изловчиларнинг мақсади”), Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замон Бухорий Суфиёнийнинг “Мухит ат-таворих” (“Солномалар уммони”), Ходжа Самандар Термизийнинг “Дастур ал-Мулук” (“Ҳукмдорларга қўлланма”) каби асарлар;

б) адабий асарлар: Мухаммад Бади ибн Мухаммад Шарикий Самарқандийнинг “Музакир ал-асъҳоб”, Мирза Сомийнинг “Тазкират ал-мулк” ва Мутрибий Самарқандийнинг “Хотироти Мутрибий” (“Мутрибий хотиралари”) асарлари;

в) расмий ҳужжатлар: “XVII-XVIII асрлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўрта Осиё палеографиясини ўрганиш материаллари” ва “Аграр алоқалар тарихига оид ҳужжатлар” [1: 15-17];

г) Сайёҳ ва элчилик ҳужжатлари: И.Д.Хохлов элчилик саёҳати эсдаликлари (Н.И.Веселовский, Иван Данилович Хохлов: (Русский посланник в Персию и Бухару в XVII в.)/[соч.] Н. Веселовского. - С.-Петербург: Тип. В. С. Балашева, 1891. 30 с.).

АСОСИЙ ҚИСМ

Юқорида келтирилган манбалар ичида XVII аср биринчи ярмида ёзилган Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асари муҳим ўринда туради. Муаллифнинг ҳаёти, илмий фаолияти кўпчилик шарқшунос ва манбашунос олимлар томонидан ўрганилган: Б.Аҳмедов [2], А.Алексеев [8], К.Пищулина [10], Ж.Тулибаева [12].

“Баҳр ул-асрор фи манокиб ал-аҳёр” (“Хайрли кишиларнинг юқори хислатлари тўғрисида сирлар денгизи”) ўзига хос қомусий асар ҳисобланиб, унда астрономия (аниқроғи астрология), минералогия, ўсимликшунослик, ветеринария, тарихий география, сиёсий тарих ва ислом тарихининг XVII асрга қадар бўлган қисми ёритилган [1: 65].

Мазкур асар муаллифи Маҳмуд ибн Вали XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган самарали ижод қилган балхлик олим, сайёҳ, ўз замонасининг билимли кишиларидан ҳисобланган

Искандарбек Мунший XVI асрда ўтган йирик Эрон тарихчиси ҳисобланади. Асарда келтирилишича олим 1561 ёки 1562 йилларда туғилган. Сарой юмушига қабул қилингунига қадар кичик молия хизматчиси бўлиб ишлаган. Кейинчалик девони иншо¹га қабул қилинган. Искандарбек Мунший 1587 йилда ҳарбий хизматга қабул қилинган ва шоҳ Аббос I Сафавий (1587-1629 йй) нинг ҳарбий юрушларида

тарихчи бўлиб иштирок этган. 1593-йилда эса сарой муншийси лавозимига тайинланган ва умрининг охиригача шу лавозимда фаолият юритган. Искандарбек Мунший 1634-йили вафот этган. Искандарбек Мунший “Тарихи оламроий Аббосий” (Шоҳ Аббоснинг оламни безовчи тарихи) номли асарини ёзиб қолдирган. Асарда Эроннинг 1588-1634 йиллар оралиғидаги тарихи хронологик тартибда баён этилган. “Тарихи оламроий Аббосий” асари саройда юритилган кундалик дафтар, расмий ҳужжатлар, баён этилган воқеалар иштирокчиларининг оғзаки ахбороти ҳамда муаллифнинг касбий кузатувлари билан тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

“Тарихи оламроий Аббосий” муқаддима, хотима ва уч жилддан иборат. Асарнинг I-II жилдлари 1616, учинчи жилди эса 1628-йилда ёзиб тугатилган.

“Тарихи оламроий Аббосий”нинг биринчи жилди конспирологик характерга эга бўлиб, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Мир Яҳё Қазвинийнинг “Лубб ат-таворих” (“Тарихлар мағзи”) ва муаллифи номаълум икки асар: “Тарихи шоҳ Исмоил Сафавий ва “Тазкирайи шоҳ Тахмасп” ҳамда бошқа асарларга таяниб ёзилган. Унда асосан шоҳ Аббоснинг ота-боболари, шунингдек, Эроннинг шоҳ Исмоил I² (1502- 1524), Тахмасп I³ (1524 1576 йй), Исмоил II⁴ (1576-1578) ҳукмронлиги йилларидаги тарихи умумий тарзда баён этилган.

² Исмоил I Сафавий (1487.17.7 — 1524.23.5) Эрон шоҳи (1502 й. дан), Сафавийлар давлати асосчиси, саркарда, шоир. Қизилбошлилар ёрдамида Озарбайжонни (1500—01), Табризни (1502) эгаллаб, ўзини шоҳ деб эълон қилган. Тез орада Эрон, Арманистон, Ироқ ва Мовароуннаҳрнинг бир қисмини босиб олган (1503—10). Исмоил I даврида Сафавийлар давлати анча кенгайган. 1512 й. И. I қўшинлари Бобурга Самарқанд тахтини эгаллашга ёрдам беради. Лекин, 1513 й. бошида ўзбек султонлари Убайдулла ва Мухаммад Темур қўшинидан каттик зарбага учради. (Ал.: Эфендиев О. А., Образование азербайджанского государства Сефевидов в начале XVI в., Баку, 1961.)

³ Тахмасп I (1513 йил Исфохон шаҳри яқинидаги Шохобод қишлоғи — 1576 йил Қазвин) — сафавийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи (1524 — 76). Исмоил I Сафавийнинг ўғли. 10 ёшлигида тахтга чиққан, ҳокимият амалда қизилбошлилар қабила сардорлари қўлида бўлган. Кейинчалик улғайгач, улар билан курашиб марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган.

⁴ Исмоил II (1533 - 1577 йил 24 ноябр) - 1576/77 йилларда ҳукмронлик қилган Сафавийлар сулоласидан Форс шоҳи.

¹ Девони иншо - давлат ҳужжатлари девони (девони расоил ёки девони иншо).

Асарнинг II-III жилдлари асл нусха ва мустақил асосга эгадир. Уларда Эроннинг 1588- 1628 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ёритиб берилган. Учинчи жилд орлиғида шоҳ Аббос I⁵ билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, хаттотлар ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Асарда Бухорода сулола алмашинуви давридаги аҳолининг миграциясига сабаб бўлган воқеалар баён этилган [1: 62-65].

Муҳаммад Юсуф Мунший. “Тарихи Муқимхоний” (“Тазкирайи Муқимхоний”) ўрта асрнинг муҳим манбаси сифатида европалик олимларни XIX аср бошларида эътиборига тушган. Бу асар ҳақида дастлабки маълумотни Бухородаги рус элчиси А. Ф. Негри (1820-1821 йй) беради. Бухоро амири амир Ҳайдар томонидан мазкур китоб унга туҳфа этилган ва у уни Петербургга элтган. 1832-йили Бухородаги инглиз элчиси А. Берне мазкур асарни сотиб олиб сўнг Англияга олиб борган. Дастлаб мазкур асар Петербург университети профессори О. И. Сенковский [13] томонидан бир қисми франсуз тилига таржима қилиниб, талабаларга дарслик сифатида ўқитилган.

Асар 1697-1704 йиллар оралиғида ёзилиб, асарнинг асосий қисми аштархонийлар сулоласининг ҳокимиятга келишидан (1601) то Субҳонкулихон⁶ вафотига қадар (1702 йил 16- сентябр) воқеаларини ўз ичига олади.

Асар кириш қисм ва учта бўлимдан иборат. Кириш қисми конспирологик кўринишда бўлиб, афсонавий Аланкува⁷, Чингизхоннинг

генеологияси, мўғулларнинг Мавороуннаҳр, Балх ва Бадахшаннинг босиб олиш тарихи қисқача баён этилган. “Тарихи Муқимхоний” асарнинг кириш қисмида муаллиф мавзунинг қисқача мазмунини келтирган. Биринчи бобда Ўрта Осиёнинг XVI аср сиёсий тарихи баён қилинган. Иккинчи ва учинчи боблар тарихий воқеаларнинг асосий мазмунини қамраб олган, уларда Балх ва Бухорони XVIII асргача бўлган сиёсий-ижтимоий-иқтисодий маънавий ва маданий тарихи муфассал баён этилган. Учинчи бобда 1702 -1704 йиллардаги сиёсий воқеалар, Балх ва Бухоро хонлигининг қўшни ва чегарадош мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг Термиз, Ҳисор ва Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳудудларда таъсирининг кучайиши ўз аксини топган. Бу асар XIX аср бошларидаёқ Европага маълум эди. Ундан олинган парчалар Сенковскийнинг асарида 1824-йили эълон қилинган. Шунингдек, асарни Н.Г.Малицкий [3], А.А.Семёнов [6], Ҳ.Вамбери [5], А.Саидов [11], Ф.Саррофонлар [9] ўрганишган. Асарда Балхда яшаган қуйидаги ўзбек қабилалари ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди: минг, дўрмон, юз, қатағон, олчин, ўтарчи, арлот, қўнғирот, туркман, найман, қурама, келечи, сарой, қалмоқ, қипчоқ ва бошқалар.

Мир Муҳаммад Амин Бухорий (1645— вафоти ноаниқ) — бухоролик тарихчи олим. Ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланмаган. Аштархонийлардан Субҳонкулихон даврида саройдан четлаштирилган. Кейинчалик Убайдуллахон II саройида бош муншийлик лавозимида хизмат қилган. Убайдуллахоннинг сафарларида ҳамроҳ бўлиб, ўз даврининг фозил кишиси сифатида танилган. Бухоро хонлигининг XVIII аср II чораги тарихига оид “Убайдуллонома” (1716-й. дан кейин) асарини ёзган.

“Убайдуллонома” XVII асрда ёзилган тарихий асар, муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорий ҳисобланади. Асар Бухоро хонлигининг 1702—1716 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида

секин яқинлашиб сўнг қайтиб кетганлигини кўрган. Аланкува илоҳий мўъжиза билан ҳомиладор бўлиб қолган ва уч ўғил фарзанд туққан. Катта ўғли — Букун Қатағандан қатағон қабиласи ўртанчаси — Салжидан салжигут қабиласи тарқаган, кенжаси — Бодончарқоон (Буданжир Мунқак) бўлиб, Чингизхон насаби унга бориб тақалган. Бу уч ўғилдан тарқалган барча уруғ-қабилалар нирун деб аталган.

⁵ Аббос I (1571-1629) — Эрон шоҳи (1587—1629), саркарда. Сафавийлардан. Аббос I ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатдаги ички тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат тузишга киришган; мунтазам қўшин тузиб, Озарбайжон ва Хуросон (1598), Баҳрайн ороллари (1602), Қандаҳор (1621), Ҳўрмуз ороллари (1622) ва Ирок (1623) ни эгаллаган. Аббос I даврида пойтахт Қазвиндан Исфаҳонга кўчирилган (1598), янги шаҳарлар, йўллар, кўприклар, қарвон саройлар, қасрлар қурилган, кўплаб ариқлар қазилган.

⁶ Субҳонкулихон (1625-1702) — Бухоро хони (1680—1702), Балх ҳокими (1651—80), аштархонийлардан.

⁷ Аланкува — мўғулларнинг афсонавий аجدоди. Рашидуддиннинг ёзишича, барча мўғул қабилалари Добунбаён ва унинг хотини Аланкувадан тарқаган. Аланкува оқила аёл бўлиб қуралас қабиласидан (баъзи манбаларга кўра Хўрилартой мерганнинг кизи) бўлган. Уларнинг Белгунутой ва Бугунутой исми ўғиллари бўлган. Добунбаён ёшлик пайтида вафот этган. Бева қолган Аланкува, ривоятларга кўра, тушида туйнукдан нурга бурканган малла сочли, кўк кўзли киши унга аста-

хикоя қилади. Мазкур асарда Абдулазизхон⁸ ва Субҳонқулихон давридаги воқеалар ҳам муфассал баён этилган. 1— 80 бобларда Бухоро хонлигининг муаллиф яшаган сўнгги 15 йиллик воқеаларига асосий урғу берилганлиги асарнинг айнан XVIII аср биринчи чорагини ёритишда энг нодир бирламчи манбалардан эканлигидан далолат беради. Муаллиф томонидан асарда ер эгалиги, солиқ турлари ва жарималар, хонликнинг маъмурий-худудий тузилиши, тарқорлик омиллари, мамлакатдаги иқтисодий бекарорлик сабаблари борасида кенг фикр юритилган.

Асарнинг яна бир қимматли жиҳати асарда муаллифга замондош ва ундан олдин яшаган Бухоролик олим ва шоирлар хусусида маълумотлар келтирилади жумладан, Сайидо Насафий⁹, Қосимхўжа, машхур қозилар ҳақида қисқа аммо қимматли фикрлар берилган. “Убайдуллонома” асари А.А. Семёнов томонидан 1957 йилда Тошкентда рус тилига таржима қилинган [2:87-89].

Асарда этнографик хусусиятга эга маълумотлар ҳам учрайди. Хусусан, ушбу даврда Ўрта Осиё худудига кириб келган турк-мўғул қабилаларидан: дўрмон, минг, юз, қатағон, манғит, кенагас, қўнғирот, найман, олчин, кераит, қурама, жабут, месит, уйрот, хитой-кипчок, қирқ, мерке (уруғ), шоди, ябу ва бошқалар асар бўйлаб тарқалган. Баъзи ўринларда муаллиф қабилаларнинг қайси худудларда тарқалганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. (Масалан, минг, юз, қатағон, манғит, олчинлар яшаш манзили аниқ берилган) [7: 35,38,44,67,70,109,151,164,191]

⁸ Абдулазизхон (1614-1681) — аштархонийлардан. Надр Муҳаммадхоннинг катта ўғли. 1626 йилдан Хутталон ҳокими, 1630 йилдан Балхнинг ғарбий туманлари ҳокими. 1645 йилдан Бухоро хони. Абдулазизхон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган, мамлакат ободончилигига бирмунча ҳисса қўшган. Бухорода кўпгина мухташам бинолар қурдирган (Абдулазизхон мадрасаси ва б.).

⁹ Сайидо Насафий (тахаллуси; исми Миробид) (1637— Насаф — 1710) — шоир. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Тўқувчилик билан кун кечирган. Турди билан яқин дўст бўлган, унинг таъсирида ижоди камолга етган. Дастлаб асарларида аштархоний ҳукмдорларни мадҳ этган, уларга мадҳиялар ёзган. Лекин ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликлар моҳиятини тушунган, мадҳиябозликдан узоклашган. Асарларида жабру зулмга қарши норозилик асосий ўринни эгаллаган.

Асарда муаллиф ўтроқ аҳоли ва кўчманчи аҳоли вакилларида чикқан вакилларни “шахрий” ва “сахройи”, шунингдек, хунармандларни ҳам яшаш худудига қараб „шаҳарлик“ ва „даштлик“ сифатида ажратганлигини кўриш мумкин [7: 15].

“Тарихи Муқимхоний” ва “Убайдуллонома” асарларида аҳоли яшаш худудига нисбат берилган ҳолда аталган жумладан, “самарқандлик”, “бухоролик” каби иборалар қўлланилган [7:25]. Бу эса ўз навбатида кўчманчи аҳолига нисбатан уруғ-қабилавий муносабат билдириш нисбатан кам учраганлигидан далолат беради.

Хўжамқулибек Балхий, Қипчокхоннинг ўғли бўлиб, у “Тарихи Қипчокхоний” асари муаллифи ҳисобланади. 1107/1695-1696-йилда у Балхда туғилган. Унинг отаси Субҳонқулихон даврида Балхнинг Дерағез вилояти ҳокими бўлган. Панжоб ҳукмдори Абдусамадхон топшириғи билан мазкур асарни 1137/1724-25-йилларда ёзиб тугатди.

“Тарихи Қипчокхоний” асарида инсониятнинг яратилишидан то 1726-йилгача бўлган воқеалар ёритилган. Асар кириш (фотиҳа), боб (боблар зикрларга) ва хулоса (хотима) дан иборат. Асарнинг бешинчи бобида XVI- XVII асрларда Дашти Қипчок, Ҳиндистон, Эрон, Шарқий Туркистон ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Бугунгу кунга қадар асарнинг еттита нусхаси маълум [2: 95-96].

Мазкур асарда Бухорода бош кўтарган қалмоқлар, қипчоклар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоклар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади. (1681, 1715-16 ва 1718-19-йиллар). Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Бухоро ёки унинг атрофида XVII аср охири XVIII аср бошларида юқоридаги қабилалар истикомат қилишган.

Юқоридаги манбаларда келтирилган уруғ-қабилаларнинг баъзи бирларини яшаш худуди билан бирга А.А. Алексеев томонидан тузилган жадвал [7: 170-172] ни тўлдириб беришга ҳаркат қилдик. Буни биринчи жадвал аосида бериб ўтамыз.

қабила (уруғ) номи	Тарқалган маскани	Aniqlangan manba
Уйғур	Олмалиқ	Бахр ул-асрор
Аймақ (92 ўзбек уруғи таркибига кирмайди)	Чечекту, Дарай-Суф ¹⁰ , Керки, Маймана,	Бахр ул-асрор
Араблар	Хулм	Бахр ул-асрор
Тўққиз ўғиз (92 ўзбек уруғи таркибига кирмайди)	Тўққиз ўғиз ¹¹	Бахр ул-асрор
Ҳазорийлар (92 ўзбек уруғи таркибига кирмайди)	Кахмерд	Бахр ул-асрор
Қирғиз	Олмалиқ, Андижон, Селенга ¹² , Ўш, Ясси, Туркистон, Хутталон, Қирғиз дарёси	Бахр ул-асрор
Қалмоқ (қалмик)	Олмалиқ, Дашти Қипчоқ, Селенга, Туркистон	Бахр ул-асрор
Қозоқ	Олмалиқ, Талас, Туркистон, Ўш	Бахр ул-асрор
Ўзбек-қозоқ	Андижон	Бахр ул-асрор
Турк	Туркистон, Чигил, Кахмерд	Бахр ул-асрор
Мўғул	Туркистон	Бахр ул-асрор
Ўзбек	Туркистон, Андижон (асосан қишлоқларда), Қошғар	Бахр ул-асрор
Хирхиз (92 ўзбек уруғи таркибига кирмайди)	Хирхиз ¹³	Бахр ул-асрор
Қўчманчи ўзбеклар	Чағониён ¹⁴	Бахр ул-асрор
Халаж (92 ўзбек уруғи таркибига кирмайди)	Халаж ¹⁵	Бахр ул-асрор
Дўрмон	Қўбодиён ¹⁶ , Қўрғонтепа ¹⁷	Убайдуллонома
Қатагон	Бухоро, Балх, Қундуз ¹⁸ , Қўлоб ¹⁹ , Файзобод ²⁰	Бахр ул-асрор Убайдуллонома Тарихи Муқимхоний
Манғит	Бухоро	Бахр ул-асрор Тарихи Муқимхоний в.б.
Қипчоқ	Чечекту, Сарипул, (Каттакўрғон ва Самарқанд оралиғи)	Бахр ул-асрор Тарихи Муқимхоний Убайдуллонома в.б.
Минг	Маймана (Шибирғон), Балх, Калиф ва Самарқанд	Бахр ул-асрор Тарихи Муқимхоний Убайдуллонома
Жўғи	Бухоро	Убайдуллонома
Олчин	Самарқанд, Балх, Чордара ва Хўжа Ҳайрон оралиғи	Бахр ул-асрор Тарихи Муқимхоний
Жабут	Сарипул	Убайдуллонома
Қурама	Балх	Убайдуллонома
Сарой	Самарқанд	Убайдуллонома
Юз	Самарқанд, Ҳисор (шоди уруғи)	Убайдуллонома
Телеу	Балх вилояти	Убайдуллонома
Найман	Термиз	Убайдуллонома

¹⁰ Дарай-Суф - Қобул атрофидаги вилоят (Бомийн сўнгра Балх вилояти таркибида бўлган).

¹¹ Тўққиз ўғиз – Туркистон таркибидаги шаҳар аҳолиси ҳам шу номда.

¹² Селенга – Турон ҳудудидаги вилоят, маркази Қорақум шаҳри бўлган (Чингизхон бошқаруви давридан бошлаб).

¹³ Хирхиз – Энасой дарёсининг юқорида жойлашган шаҳар. Қирғиз этноними билан боғлиқ ҳолда юзага келган ойқоним.

¹⁴ Чағониён (араб. Сағониён) Сурхондарё (Чағонруд)нинг ўрта ва юқори оқими бўйларида жойлашган тарихий-маданий вилоят. Дастлаб Сюань Цзань томонидан (мил. тахм. 630 й.) қайд этилган. (Ад.: Ртвеладзе Э. В., Великий шелковый путь, Т., 1999, Бўриев О., Темурийлар даври манбаларида Чағониён, Т., 2001; Чағониён тарихи, Т., 2002.)

¹⁵ Халаж – шу номдаги қадимги туркий қабила номи ва яшаш маскани. Шимолий Афғонистонда жойлашган.

¹⁶ Қўбодиён (тожик Кубодиён) - қишлоқ, Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Кубодиён туманининг маъмурий маркази. Шоир, файласуф ва олим Носир Хосровнинг ватани.

- ¹⁷ Кўрғонтепа — Тожикистон Республикасидаги шаҳар. Хатлон вилояти маркази. Вахш водийсида, Вахш дарёсининг чап соҳилида, ўртача 428 м баландликда. Душанба шаҳридан 99 км жанубда жойлашган.
- ¹⁸ Кундуз - 1606 йилда Бухоро хони Вали Мухаммадхон Кундузни Балх вилояти таркибига киритди. 17-аср ўрталарида Маҳмудий Қатағон Тохаристон, Таликон, Кешм вилоятларини бирлаштириб Кундузни унинг пойтахти деб эълон қилган.
- ¹⁹ Кўлоб- XVI асрда вужудга келган шаҳар. Нодир Мухаммадхон (1642-1645) даврида Кўлоб Балхга қайта бўйсундирилди, у ўзбек аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги остидаги иккинчи сиёсий марказ эди. Надр Мухаммадхоннинг ўғиллари ўз навбатида ҳоким қилиб тайинланишди: Абдулазиз Султон, Хусров Султон ва Баҳрам Султон в.б.
- ²⁰ Файзобод — Афғонистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги шаҳар, Кукча дарёси бўйида. Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, асарда муаллиф ўтроқ аҳоли ва кўчманчи аҳоли вакилларида чиккан вакилларни “шаҳрий” ва “сахройи”, шунингдек, ҳунармандларни ҳам яшаш ҳудудига қараб “шаҳарлик” ва “даштлиқ” сифатида ажратганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, Мовароуннахрдаги этник тарихни ёритувчи XVII асрга оид Аштархонийлар даври манбалари таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келинди:

– Мазкур манбаларда учрайдиган манбаларнинг аксари айнан этник тарихга атаб ёзилмаганлиги туфайли давр этник ҳолати ҳақида умумий хулоса қилиб бўлмайди;

– Манбаларда этник маълумотлар асосан сиёсий жараёнлар билан бирга ёритилган ва маълум шахс номлари билан бирга учрайди;

– Баъзи бир манбаларда берилган маълумотлар асосида Мовароуннахр ва Хуросонда истиқомат қилган қабила ва уруғ номларини аниқлаш мумкин, бу эса ўз навбатида айнан этник тарихга оид бўлган манбалар (“Насабномаи ўзбек”, “Тухфатул хоний” в.б.)да келтирилган қабила ва уруғларнинг жойлашувини аниқлаш имконини беради.

– Асарларнинг яна бир ажралиб турувчи жиҳати шундаки, ҳудудлар аҳолиси кўпинча жой номлари билан аталганлигини кўриш мумкин (масалан, самарқандлик, бухоролик каби).

“Тарихи Муқимхоний” ва “Убайдуллонома” асарларида аҳоли яшаш ҳудудига нисбат берилган ҳолда аталган жумладан, “самарқандлик”, “бухоролик” каби иборалар қўлланилган

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Фан, Т., 1985. 259 с.
2. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (География) / Введение, перевод, примечания Б.А.Ахмедова. – Ташкент, 1977.

3. Маллицкий Н.Г. Разгром Ташкента Имамкули-ханом бухарским в 1613 г. // Протоколы заседаний и общения членов Туркестанского Клуба любителей археологии. Год 5. – Ташкент, 1900. – С. 140-145.
4. Мухаммад Юсуф мунши. Муқим-ханская история / перевод с тадж., предисл., примеч. и указатели проф. А.А. Семенова. – Ташкент, 1956.
5. Вамбери Г. История Бухары, или Трансоксании, с древнейших времен до настоящего / пер. А.И. Павловского: в 2 т. – СПб., 1873.
6. Убайдаллах-наме, изд-е А.А. Семенова. – Мир Мухаммад амин-и Бухари. Убайдаллах-наме / Перевод с таджикского, примечания А.А. Семенова. – Ташкент, 1957.
7. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI - XIX аср биринчи ярми). Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова, А.А.Аширов - Тошкент, 2011. 128-б.
8. Алексеев, Антон Кириллович. Mahmud b. Wali and his «Bahr al-asrar». // Manuscripta Orientalia. 2005. Vol. 11. No. 2. P. 3-10
9. Мухаммад Юсуф мунши. Тазкираи Муқим-хани / предисл. и коммент. Фаришта Саррофона. – Тегеран: Мероси мактуб, 1370 г.ш. (1979).
10. Пищулина К. А. «Бахр ал-асрар» Махмуда ибн Вали как источник по социально-экономической истории Восточного Туркестана XVI—XVII вв. // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVII - XVIII вв. / Б. А. Тулепаев. – Алма-Ата: Наука, 1983. – С. 31. – 192 с.
11. Саидов А. Политическое и социально-экономическое положение Бухарского ханства в XVII - первой половины XVIII вв. – Душанбе: Дониш, 2010.
12. Tulibayeva Zh.M. “Bahr al-asrar fi manakib al-ahjar” kak istoricheskij istochnik. Vestnik KazNU. Seriya Vostokovedeniya. Almaty, 2003. № 4 (25). S. 80-89. (in Russ.).
13. Senkowski J. Supplément a L’histoire geneiale des Huns, des Turcs, des Mongols, contenant un abrégé de L’histoire de la domination des Uzbeks dans la Grande Bukharie, depuis leur établissement dans ce paus jusqu’à l’an 1709, et une continuation de Kharezmi, depuis mort d’Aboul-ghazi-Khan jusqu’à La meme époque.